



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристарни малакасини ошириш маркази

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тайёрлади: катта ўқитувчи, ю.ф.н.,
доцент Рафик Шакуров



“ ... коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан



Лотинча “**corruptio**” сўзидан олинган бўлиб, “**емирилиш**”, “**бузилиш**” деган маъноларни англатади.

Коррупция сўзининг ижтимоий курилиши «хокимиятни бузиш, чиритиш оркали сотиб олиш» деган маънони беради.

Коррупция – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш (*Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда*).




БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги
“Коррупцияга қарши” конвенцияси
(Ўзбекистон томонидан 2008 йил 7 июлда қабул қилинди)


Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш
ташкилоти доирасида 2003 йил 10 сентябрда
қабул қилинган коррупцияга қарши
курашнинг **Истанбул режаси** (Ўзбекистон
2010 йил март ойида қўшилди)



КОРРУПЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



Маиший коррупция, бу давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



Бизнесдаги коррупция тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар.



Ҳокимиятдаги коррупция, бу давлат ҳокимият органларида мансабдор шахслари томонидан содир қилинадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



**Исроил давлатининг
5-Бош вазири
Голда Меир хоним шундай
васият қолдирган
экан:**

"... Агар Сиз ўғил-қизлари унга доимо қайтадиган, аҳолиси ундан фақат таътил мавсумидагина четга чиқадиган, унинг ҳудудида келажак учун қўрқув ҳисси бўлмайдиган Ватан қурмоқчи экансиз, қуйидаги икки қадамни қўйинг:

Биринчидан, коррупцияни ватанга хоинликка, коррупционерни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштиринг.

Иккинчидан, ҳарбийлар, ўқитувчилар ва шифокорларни энг катта маош тўланадиган касб эгаларига айлантиринг.


Энг муҳими, меҳнат қилинг, меҳнат қилинг ва меҳнат қилинг. Негаки, Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди, боқмайди. Сизнинг Ватан ўзингиздан бошқага керак эмас. Агар, ана шу айтганларим оддий сўз ва шиор бўлиб қолмасдан, турмуш тарзингизга айланса, Сиз ўз мақсадингизга эришган бўласиз."



**«Менда иккита йўл бор эди:
Биринчиси — ўғирлаш ва дўстларим
хамда қариндошларимни «Форбс»
рўйхатига киритиш, бу билан
халқимни қуруқ ерда қолдириш.
Иккинчиси — халқимга хизмат
қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг
яхши давлатлари ўнлигига
киритиш. Мен иккинчисини
танладим...»**

**Ли Куан Ю, Сингапур “иқтисодий
мўъжизаси” асосчиси**

Сингапур Республикасининг коррупцияга қарши кураш сиёсати принциплари



КОРРУПЦИЯНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ:

1) демократия ва инсон ҳуқуқлари институтларнинг мустаҳкамланишига жиддий путур етказди;

2) кенг жамоатчиликда ҳокимиятга бўлган ишончни сўндиради;

3) жамиятдаги тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади;

4) бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади;

5) давлат бюджетига жиддий зарар етказди ва бошқ.





2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2.4. банди, яъни «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» борасида:

«коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш» вазифаси белгиланган

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари:



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сонли **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сонли **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»**ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли **«Давлат харидлари тўғрисида»**ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сонли **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сонли **«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»**ги қонуни ва бошқ.


Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонуни



Қонун 34 моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжатда қуйидагилар қайд этилган:

- коррупция атамасининг тушунчаси;
- коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
- коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;
- коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- коррупцияга қарши жавобгарлик;
- коррупцияга қарши курашиш масаласида халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни




Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

2) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш (*қонунинг 5-моддаси*).



Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси “Коррупцияга қарши курашишни бевосита амалга оширувчи давлат органлари”



- Бош прокуратура
- Давлат хавфсизлик хизмати
- Ички ишлар вазирлиги
- Адлия вазирлиги
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади

БОШ ПРОКУРАТУРА



Ўз ваколатлари доирасида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.



ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича:

- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини,
- терговга қадар текширувни ва
- дастлабки терговни амалга оширади **амалга оширади.**

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ



Ўз ваколатлари доирасида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади.



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

- аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот фаолиятини амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

- коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

- коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради ва бошқ.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида аҳолига 140дан ортиқ хизмат кўрсатувчи Давлар хизмати Агентлиги ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Хизматлар турларига, жумладан, қўйидагилар киради:

- ер олиш;
- кадастр қилиш;
- никоҳдан ўтиш;
- ўқишга бориш;
- гувоҳнома тайёрлаш;
- боғчада ўрин олиш ва бошқ.



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI JINONYAT KODEKSI

- Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш **205-модда**, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш **206-модда** ва мансаб сохтакорлиги **209-модда** (*БҲМнинг 600 бараваригача жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиши*);
- Ҳокимият ҳаракатсизлиги **208-модда** (*уч йилгача озодликдан маҳрум қилиши*);
- Пора олиш **210-модда**, пора бериш **211-модда** ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш **212-модда** (*БҲМнинг 100 бараваригача жарима ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиши*);
- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши **214-модда** (*БҲМнинг 100 баравари миқ. жарима ёки 8 йил муддатга ОМҚ*).



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MA'UMURIY JAVOBGARLIK TUGRISIDAGI KODEKSI

- Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш **193¹-модда** (*БҲМнинг 30 бараваригача миқдорда жарима*);
- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши **193²-модда** (*БҲМнинг 30 бараваригача миқдорда жарима*).


ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурлари тасдиқланди (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони*);

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди (кейинчалик, коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари) (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли қарори, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони*).

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг ташкил этилди (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони



- «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Агентлик)» ташкил этилди;

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши» деб аталиб ва унинг ҳудудий кенгашлари ҳам қайта ташил этилди;

- Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, **2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.**

Бугунда ишлаб чиқилган «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасида, қўйидагилар белгиланган:

- давлат хизматчилари ҳар йили ўзининг ва оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда декларация топшириши шарт;

- Декларация топширилгани ҳақидаги маълумотлар номзоднинг давлат фуқаролик хизматига киришидан олдин кадрлар бўлинмалари томонидан текширилади;

- Давлат фуқаролик хизматчиси давлат фуқаролик хизматини тугатган кундан бошлаб 10 иш куни ичида охириги 12 ой учун декларация тақдим этади.

- Декларация топшириш жараёнининг тўғри ва тўлиқ амалга оширилгани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат солиқ органи томонидан текширилади;

- Давлат фуқаролик хизматчилари ва оила аъзоларининг даромадлари мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари тўғрисидаги декларацияда келтирилган маълумотлар белгиланган тартибда чоп этилади, махфий ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа турдаги маълумотлар бундан мустасно.



Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият

(Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда).

Манфаатлар тукнашувининг келиб чиқишининг асосий сабаблари қаторида, қўйидагиларни ажратиш мумкин:

- ходимнинг шахсий манфаатлари (*масалан, мансабпарастлик, кўраолмаслик, паст ниятлар, гаразгуйлик ва бошқ.*);

- ходимнинг яқин қариндошлари манфаатлари (*бирон-бир мавқеига эга бўлиш, таниш-билишчиликни яратиш, наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлиш ва бошқ.*).

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ТАСНИФИ

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН

Меҳнат фаолиятининг асосий
мақсадларига эришишга тўсқинлик
қилувчи (*ишчанклик обрўсига путур
етказиш*)

Ходимларнинг шахсий мақсадларига
эришишга тўсқинлик қилувчи

Белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларга
номувофиқ хулқ-атворлар ва бошқ.

ТАЪСИР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

“вертикал” тўқнашувлар
(*раҳбар ва ходим ўртасида*)



“горизонтал” тўқнашувлар
(*ходимлар ўртасида*)

“аралаш” тўқнашувлар
(*раҳбар, ходим ва ходим ўртасида*)

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ



(таъсир йўналиши бўйича)

Раҳнамолик, фаворитизм
(фр. *favorit*) химоя остидаги айрим ходимларни яқин олиш ва қуллаб-қувватлаш



Непотизм (лот. *nepos* жиян)
қариндош-уруғчилик, худудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўриш

Протекционизм
(лот. *қўмаклашиш*)- маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга қўмаклашиш



Кронизм (инглиз. хамфикр, таниш билишчилик, гуруҳбозлик)
лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш



Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш (бошқариш) чора-тадбирлари:

- 1) идора раҳбари ходимларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш (*исми, шариф билан мурожат этиш*);
- 2) иш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда ва иш вазифаларини бажаришда раҳбар ва ходимлар ташкилотнинг манфаатларини кўзлаб бошқариш;
- 3) техник воситалар, аппарат ва жиҳозлардан фақат идора манфаатларида фойдаланишни таъминлаш;
- 4) миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатишни таъқиқлаш;
- 5) шахсий манфаатларини кўзлаб, идора манфаатларига зарар етказадиган фаолият билан шуғулланишга мойил бўлган ходимларни аниқлаш;
- 6) давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқлаш.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш: тартибга солиш

Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича қарорларни қабул қилиш ва муҳокама қилиш жараёнида қатнашишдан ихтиёрий равишда воз кечиш, ўз-ўзини рад этишини тасдиқлаш




Ходимнинг шахсий манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишини чеклаш




Манфатлар тўқнашувининг олдини олиш учун ходимнинг мансаб йўриқномаларини ўзгартириш ёки қайта кўриб чиқиш



Ходимни маълум бир давлат харид иштирокчиси билан ходим учун қарорларни қабул қилиш жараёнидан четлаштириш



Ходимни маълум бир лавозим, вазифадан озод этиш



Ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнат функцияларини бажаришни назарда тутадиган лавозимга ўтказиш



Манфаатлар тўқнашувини, жумладан уруғ-аймоқчиликни олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 79-моддаси (*Қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш*) аҳамият касб этади.



МКнинг 79-моддасига кўра:

- “Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (*ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари*), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади”.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги
«Давлат бошқаруви органлари ва
маҳаллий ижро этувчи ҳокимият
органлари ходимларининг одоб-ахлоқ
намунавий қоидаларини тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарорида, қўйидаги муҳим
қоида келтирилган:

**Одоб-ахлоқ қоидалари мажбурий
бўлиб, унинг қоидалари бузилиши қонун
ҳужжатларига мувофиқ:**

- **интизомий ёки**
- **бошқача жавобгарликка тортиш учун
асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 3 июлдаги ЎРҚ-547-сонли «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, ...

Шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот ҳисобланади.

Ушбу Қонунда келтирилган тушунчага асосан, бундай маълумотлар қаторига, масалан, жисмоний шахсга оид қўйидаги маълумотларни киритиш мумкин:

- исми, фамилияси, отасининг исми;
- туғилган вақти, туғилган жойи, телефон рақами;
- вақтинча ёки доимий яшаш жойи;
- оиласи, ижтимоий ҳолати;
- маълумоти, касби, лавозими, иш жойи;
- даромадлари;
- мулкӣ ҳолати;
- шахсий сурати (фото ва ҳ.к.);
- биометрик ва генетик маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ЖКнинг 141²-моддаси ва МЖТКнинг 46²-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазири Руслан Давлетовнинг
коррупцияга қарши курашга оид
чиқишлари бўйича
видеолавҳа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси



Давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар **харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни** эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш

Барча давлат органларида **қарор қабул** қилиш жараёнлари, очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш



Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича **электрон ахборот тизими** жорий этилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги
Олий Мажлисга Мурожаатномаси

*Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик
ҳаёт тарзимизга айлантириш*

Кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг **очик** тизимини йўлга қўйиш



Давлат хизматчиларини **мунтазам ўқитиш** ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйиш

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини **фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз**, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатиш



**9 декабрь – халқаро коррупцияга
қарши курашиш куни**

Эътиборингиз учун раҳмат!